“ҲУМОЮН ВА АКБАР” РОМАНИДА РУҲИЯТ ТАҲЛИЛИ

Сурайё Шермуҳамедова
Тошкент молия институти Тиллар кафедраси
shermuhamedova777@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бадиий асарда руҳий портрет ва ички монолог каби руҳий таҳлилнинг поэтик воситалари Пиримқул Қодировнинг “Ҳумоюн ва Акбар” романи мисолида таҳлил қилинган. Руҳий портрет ва ички монологнинг асар сюжети ҳамда композициясида тутган ўрни, унинг ғоявий-бадиий вазифаси борасида илмий хулосалар баён қилинган.

Калит сўзлар: руҳий таҳлил, руҳий портрет, ички монолог, сюжет, композиция.

ANALYSIS OF MOOD IN THE NOVEL “HUMAYUN AND AKBAR”

Surayyo Shermuhamedova
Department of Languages, Tashkent Institute of Finance
shermuhamedova777@mail.ru

ABSTRACT

This article uses the example of Pirimkul Kadyrov's novel "Humoyun and Akbar"to analyze poetic means of mental analysis, such as a psychological portrait and an internal monologue in a work of fiction. The article describes the psychological portrait and the role of the internal monologue in the plot and composition of the work, as well as scientific conclusions about its ideological and artistic function.

Keywords: psychological analysis, psychological portrait, internal monologue, plot, composition.

КИРИШ

Бадиий адабиётда руҳият таҳлили бадиийликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, у асарга жон ато этади. Руҳият таҳлили муаллифнинг услубини, тасвирда ўзига хослигини ва бадиий маҳоратини белгилайди. Адабиётнинг камолоти, унинг буюклиги, энг аввало, руҳият таҳлилидек бадиий-эстетик ҳодисанинг қай даражада кашф этилганлиги билан,

инсон руҳи, инсон қалби диалектикасининг қай даражада очилганлиги билан белгиланади.

Бадиий асарда руҳий таҳлил тамойиллари ва шакллари турли-туман бўлгани каби, унинг поэтик воситалари ҳам хилма-хилдир. Адабиётшунослар томонидан руҳий таҳлил поэтик воситаларининг ўндан ортиқ турлари қайд қилинган бўлиб, уларга портрет, диалог, монолог, туш, пейзаж, бадиий деталь, ҳиссий ҳаракаталар (мимика ва пантомимика), нутқий характеристика, галлюцинация кабиларни киритиш мумкин. Ушбу воситаларнинг ҳар бири бадиий асар қаҳрамонларининг муайян макон ва замондаги ички дунёсининг яширин қирраларини ўқувчига таништиришда ёзувчига қўл келади.

Руҳий таҳлил поэтик воситаларининг бадиий адабиётга кириб келиши ўз тадрижига эга. Уларнинг баъзилари соф руҳий ҳодиса сифатида бадиий адабиётда азалдан мавжуд бўлса, айримлари руҳият билан унчалик боғлиқ бўлмаган ёки умуман ундан йироқ ҳодисалар сифатида сўз санъатига нисбатан кейинги даврларда кириб келган. Асардан ўрин эгаллаган ҳар бир поэтик воситага муаллиф муайян бадиий вазифани юклайди. Ушбу бадиий юклама бевосита ёки билвосита қаҳрамонлар ички дунёсини очишга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Руҳий таҳлил Абдулла Қаҳҳор айтганидек, “ижодий талантга куч бағишлайдиган энг муҳим фазилатлардан бири”дир. У ҳақиқий сўз санъаткори учун маҳорат мезонидир. “Инсон руҳининг буюк рассоми” (В.Г.Белинский) бўлиш ҳар қандай адибга ҳам насиб этавермайди. Фақат ўз нодир ижодий оламига эга бўлган, “инсон қалбининг билимдони” (Н.Г.Чернышивский), шу қалбнинг энг қаъригача кира олган, ундаги нур ва соялар, қарама-қарши томонлар курашининозик ҳис қила олган, уни бадиий ифодалаш қудратига эга бўлган талантларгина бу улуғ ном эгаси бўла олади.

Бадиий асарда инсон тасвири биринчи ўринда турар экан, уни тўлақонли, ҳар тарафлама гавдалантириш учун унинг ташқи портретини яратиш билан бирга ички дунёси ҳам бадиий гавдалантирилиши керак. Умуман, ташқи портретни ҳам руҳиятсиз ифодалаб бўлмайди. Қаҳарамоннинг ҳар бир ҳаракати, имо-ишораси, кулгиси, йиғиси муаллиф юклаган маълум вазифани бажаради. Муайян вазифани бажармайдиган ҳаракат ёки ҳолат тасвири бадиий асар учун ортиқчадир. Шундай экан, муаллиф қаҳрамоннинг руҳиятига – унинг ички кечинмалари, ҳолати, қалб туғёнлари, лирик туйғулари тасвирига, уларни ифодалаш масаласига бадииятнинг асосий шарти сифатида қараши лозим.

Тадқиқот учун ўзбек ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг Ҳиндистондаги

Бобурийлар сулоласининг давомчилари бўлган Ҳумоюн ва Акбар олиб борган сиёсат ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий роман “Ҳумоюн ва Акбар” материал сифатида олинди. Ишда таҳлил, тавсиф методларидан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров истеъдодли сўз санъаткоридир. Ёзувчининг руҳий таҳлилга бой тарихий романлари бизнинг шундай хулоса чиқаришимизга асос бўлади. Хусусан, ёзувчи ўзининг “Ҳумоюн ва Акбар” романида қаҳрамонлар руҳиятида кечаётган турфа товланишларни асослашда юқоридаги поэтик воситалардан унумли ва ўринли фойдаланади. Ушбу санъат асарда адибнинг руҳий таҳлил санъатидан фойдаланиш маҳорати бутун жозибаси ва назокати билан ўз аксини топган.

Ушбу мақолада “Ҳумоюн ва Акбар” романини тадқиқот объекти сифатида олиб, психологик портрет, ички монологнинг поэтик восита сифатида бадиий асар сюжети ва композициясидаги ролини, хусусан, асар қаҳрамонларининг руҳониятини очишдаги ролини белгилашга, бу борада адибнинг бадиий маҳоратини очиб беришга ҳаракат қилдик.

А) Психологик портрет.

Бадиий асарда қаҳрамонлар портрети ўзига хос бадиий, ғоявий вазифа бажаради. Портрет яратишда ҳар бир ёзувчи ўзига хос йўлдан боради. Лекин улар қай йўлдан бормасинлар, портрет асар ғоясига, қаҳрамонлар характерига боғлиқ бўлиши муҳимдир. Бадиий асарда портретнинг асосий вазифаси персонажларнинг қиёфасини яратишдир. Лекин портрет тушунчасини фақат қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси тасвири билан чеклаб бўлмайди. Чинакам сўз усталари ҳамиша ташқи қиёфа орқали қаҳрамонларнинг маънавий, руҳий оламига киришга интиладилар. Демак, портрет – руҳий тасвир воситаларидан бири бўлиб, у бадиий асарда психологизациялашади ва шундагина бадиий қиммат касб этади.

Примқул Қодиров ҳам ёзувчи сифатида портрет санъатидан қаҳрамонларнинг ички оламини ёритишда восита сифатида фойдаланади. Ёзувчи, аксарият ҳолларда, асар қаҳрамонларининг ташқи қиёфасига хос чизгиларни бирданига бермайди, балки бутун асар давомида ғоятда қисқа-қисқа тасвирлаб боради, яъни портретни бўлакларга ажратиб тасвирлайди. Бунинг ўзига яраша афзалликлари бор. Чунки бир ўриндаёқ тугал тасвирланган портретда персонажларнинг ички ҳаёти мукаммал ифодасини топмаслиги мумкин. Ёзувчи портрет яратишда қаҳрамоннинг ички оламинибиринчи планга

қўяди. У дастлаб қаҳрамонлардаги руҳий товланишларни излайди ва бунинг ташқи қиёфадаги аксини китобхонга етказади.

Асарда Португалия элчиси Алваро Пакавира Ҳумоюн ҳузурига элчи бўлиб келади. Пакавиранинг мақсади – Наврўз байрами муносабати билан уюштирилган кема сайрида қатнашиш, подшо кемасида энг нуфузли аъёнлардан танишлар орттириб, порага учадиганлари билан тил бириктириш эди. Лекин португалларнинг ғаразли ниятини пайқаган Ҳумоюн Пакавирани унчалик яхши қабул қилмайди. Унинг эгнига кимхоб тўн кийгизади ва мулозимларига Пакавира учун махсус зиёфат уюштиришларини тайинлайди. Мақсадига эриша олмаган Пакавиранинг Ҳумоюн ҳузуридан қайтиб чиқаётганини ёзувчи шундай тасвирлайди: *“Алваро Пакавира елкасидаги кимхоб тўндан терга ботиб кўшкдан ташқарига чиқар экан, дарёда чайқалиб турган кемаларга аламли назар ташлади”.* Китобхон айни тасвирдан элчининг кайфиятини, Ҳумоюнга нисбатан адовати яна бир карра ошганлигини англайди. Пакавира елкасидаги кимхоб тўнга ҳам эътибор қилмайди. Тўн кийдирилиши ҳам Ҳумоюннинг киноясидек туюлади унга. Шунинг учун ҳам тасвирда тўн элчини терлатиб юборгани тасвири бор. Унинг кемаларга аламли назар ташлаши эса унинг кечинмаларини очиб берган.

Б) Ички монолог.

Ички монолог “қалб дилектикаси” – руҳий таҳлил формасининг муҳим поэтик воситаси ҳисобланади. Ушбу восита ёзувчига асар қаҳрамонлари ички оламини чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Ички монолог – қаҳрамоннинг ўз-ўзи билан ичдан гаплашиши, фикрлаши, тафаккур ва туйғуларининг ички ифодасидир. Ички монологда ёзувчи асар қаҳрамонларини ўз тилларидан сирли, яширин фикрларини ошкор қилиш орқали китобхоннинг асар воқеалар ривожини тушунишига ёрдам беради. Асар сюжетига маҳорат билан сингдирилган ички монологлар китобхонларга қаҳрамонлар қалб эшигини очишлари учун калит вазифасини ўтаб беради. Шу тариқа ички монологлар асардаги диалоглардан ўзининг очиқ ва ошкоралиги билан ажралиб туради.

Одатда, ёзувчилар ички монологдан асар қаҳрамонлари ҳаётидаги энг кескин ва зиддиятли, драматик вазиятларда фойдаланадилар. Чунки шундай вазиятдаги ҳис-туйғулар ва фикрлар қаҳрамоннинг асл руҳий қиёфасини тўлиқ ва ёркин акс эттиради.

Пиримқул Қодиров ҳам ўзининг “Ҳумоюн ва Акбар” романида ички монологлардан асар сюжетида динамикани, сюжет воқеларининг қизиқарли бўлишини таъминлаш ва асар қаҳрамонларининг яширин фикр-мулоҳазаларини китобхонга маълум қилиш мақсадида фойдаланади. Ёзувчи ички монологнинг

турли шакл ва кўринишларидан фойдаланади. Бу баъзан оний фикр бўлиши, баъзан кучли бир ҳис ёки лирик ҳаяжон натижаси бўлиши ҳам мумкин. Асарда баъзан шундай ички монологлар учрайдики, унинг бир қисми қаҳрамон нутқида, бир қисми эса муаллиф нутқида баён қилинади. Бу борада Низомнинг отаси ноҳақ қамалганини эшитган Ҳамида бонунинг қуйидаги ички монологи диққатга сазовор: *“Балки мен... ҳазратнинг (Ҳумоюннинг) иноятига сазовор бўлсам “Низомнинг бегуноҳ отасини ҳибсдан чиқартиринг” деб илтимос қилармидим”.* Ҳамида бонунинг кўнглидаги қолган гаплар муаллиф нутқида изоҳ ва шарҳлар билан қуйидагича баён қилинади: *“Лекин қиз бола бундай илтимосни қилиши учун Ҳумоюнга қай даражада яқин бўлиши керак. Унга яқин бориш Низомдан узоқлашиш эмасми? Бироқ Ҳамида бу йигитдан узоқлашгиси келмайди, кўнгил унга қараб талпинади. Етти яшар қизалоқ пайтида мана шу дарёнинг сокин қўлтиғида Низом уни сузишга ўргатгани ҳеч эсидан чиқмайди. Иккови сувда бирга сузган ўша дамлар завқи ҳозир дарё тўлқинлари орасидан унга кўз тикиб тургандай”.*

Монологнинг кам учрайдиган бу шакли китобхонга қаҳрамон қалбида кечаётган қарама-қаршиликлар, зиддиятларни янада таъсирчанроқ етказиш имконини беради. Қаҳрамон кўнглидаги кечинмаларга муаллифнинг фикри сингиган ҳолатда китобхонга етиб боради.

Асарда яна монологнинг шундай шакллари ҳам борки, улар асрнинг бир нечта жойларига сочилиб кетган ва улар биргаликда бир бутунликни ҳосил қилади. Бундай монологлар орасида муаллиф шу монологга сабаб бўлган воқеаларни изоҳлайди, айрим ҳодисалардан китобхонни огоҳ қилади. Бу борада Хонзодабегимнинг ички монологи алоҳида эътиборга молик. Асарнинг бошида Хонзодабегим қизларнинг чавгон ўйинини томоша қилар экан, унда хавотир туйғуси кечади. Унинг миясидаги оний фикрни ёзувчи ички монологда шундай ифодалайди: *“... бирон кор-ҳол бўлмасин тағин”.* Ёзувчи бу хавотир туйғусининг сабабини кейинроқ яна ички монолог орқали ойдинлаштиради. *“Ахир бу қизлар энг нуфузли беку аъёнларнинг оиласидан. Агар биронтасининг юз-кўзига чавгончўп тегиб ярадор қилса, чандиқ қолдирса ёки биронтаси отдан йиқилиб, туёқ тагида эзилса мутаассиб шайхлар яна фисқу-фасодни кучайтиради. Улар қизларнинг доим парда ичида – уй асираси бўлиб ўлтиришини талаб қиладилар...”*

Ушбу ички монологлар бир-бири билан бевосита боғлиқ ва бири-бирини тўлдиради. Уларда Хонзодабегимнинг ўз жияни Ҳумоюнга бўлган улкан меҳр-муҳаббати, хайрихоҳлиги ўз ифодасини топган. Хонзодабегимнинг кўнглидан ўтган ушбу гаплар унинг Ҳумоюн Мирзога энг яқин одам эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, монологда мутаассиб шайхларнинг фисқу фасодларидан тўйган қалб кечинмалари тасвирланган.

МУҲОКАМА

Умуман, психологик портретда ёзувчи қаҳрамонларнинг ташқи қиёфасидаги чизгилар орқали унинг ички оламига назар ташлайди, бу билан китобхонга образ борасида муҳим маълумотларни етказади. Ички монологлар образ яратиш ва улар ички дунёсини очишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб, ёзувчининг психологик таҳлил маҳоратини ўрганишда қўл келади.
“Ҳумоюн ва Акбар” романида қаҳрамонлар қиёфасидаги энг кичик штрихлар ҳам жуда нозик психологик юк ташийди. Ташқи кўринишнинг ҳар бир детали қаҳрамонлар ички дунёси билан узвий боғланади. Фикримизни асослаш учун мисоллар келтирамиз.

Бобур ҳукмронлиги даврида Москвага элчи қилиб юборилган Хўжа Ҳусайн кўп азоб-уқубатлар кўради. У бошидан кечирган қийинчиликларни Ҳумоюн Мирзога сўзлар экан, унинг руҳий ҳолати қисқа тасвирларда шундай тасвирланади: *“Хўжа Ҳусайн бир уҳ тортди-ю, бошини хам қилиб давом этди”*. Ушбу тасвирда Хўжа Ҳусайннинг кўп қийналгани унинг “уҳ” тортишида ифодаланаётган бўлса, бошини хам қилиб туришида эса унинг элчилик вазифасини муваффақиятли бажариб келолмаганидан хижолат бўлаётганини англаш мумкин.

Низом тахтга ўтиргач, Ҳиндол билан Алварга кетган Ҳамида бонуга хат ёзади ва уни Афзалбекдан жўнатмоқчи бўлади. Афзалбекка хат билан бирга йўл харажатлари ва хизмат ҳақи учун олтин тўла ҳамён узатади. Афзалбекнинг шу пайтдаги ҳолатини ёзувчи шундай тасвирлайди: *“Афзалбек ҳамённи таъзим билан олди-ю, табаррук қилиб кўзига сурд ва тез қўйнига солди”*. Ушбу тасвирда Афзалбек табиатидаги баъзи хусусиятлар унинг хатти-ҳаракатида ўз ифодасини топган. Афзалбекнинг ҳамённи таъзим билан олиши унинг хушомадгўйлигини, сохта ҳурматини кўрсатса, ҳамённи кўзига суриши эса унинг тилёғламалик қилаётганини, тез қўйнига солиши эса унинг очкўзлигини фош қилган.

Маълумки, қаҳрамонлар оғир руҳий, драматик ва баъзан трагик ҳолатлардагина ўз аҳвол-руҳияти ва кечинмаларини ичдан таҳлил қиладилар. Ёзувчи ички монологга мурожаат этар экан, аввало, қаҳрамоннинг худди шундай мураккаб, изтиробли аҳволи тасвирини беради ва уни шундай ҳолатга тушишга мажбур қилган қийин шароит ва вазиятларни келтиради. Чунки худди шундай вазиятларда қаҳрамонлар ўз руҳий оламларини, ўзлигини муфассал очади, ўз

аҳвол-руҳиятининг қандай эканлигини фақат ўзига айта олади, холос. Бу жиҳатдан Ҳумоюннинг қуйидаги монологи характерли. Унда Комроннинг ўзини ҳибс қилиш тўғрисидаги фармони чиққанлигини эшитган Ҳумоюннинг ҳолати акс этган*: "Оддий одам бўлсанг эдинг, бир шолчанинг устига ҳам сиғар эдинг, - деган ўй кўнглидан ўтди. – Ҳамма бало сенинг подшолигингда. Қандаҳорда хутбани Комроннинг номига ўқитиш шунчалик қийин бўлгани – сенинг тирик юрганинг туфайлидир. Саид Халилу Афзалбеклар ўз мақсадлари йўлида ҳеч қандай разолатдан қайтмаслигини Аграда Амир Баҳлул билан Низомнинг бошига тушган фалокатларда кўрган эдинг-ку."*

Ушбу монологнинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг 2-шахс тилидан баён қилиниши бўлиб, унда қаҳрамон ўз-ўзига эмас, гўё унга бошқа биров, бутунлай бегона шахс таъна қилаётгандай бўлади. Романдаги бу каби ички диалог кўринишидаги монологлар қаҳрамоннинг ўзини таҳлил қилишда объективликни таъминлайди.

ХУЛОСА

Академик Иззат Султон адабиётда инсон тасвири масаласида шундай дейди: "Одам адабиётнинг тасвир предметидир. Одам тасвири йўқ жойда бадиий адабиёт йўқ, шу билан бирга "одам тасвири" демак – бошлича одамнинг ички дунёси, унинг кечинмалари тасвири демакдир". Ушбу назарий маълумотларнинг бадиий асардаги амалий ифодасини биз Пиримқул Қодировнинг "Ҳумоюн ва Акбар" романида кўрамиз. Ёзувчи романда руҳий таҳлил санъатидан ўзига хос тарзда маҳорат билан фойдаланган. У асар қаҳрамонларининг ички оламини турли пожэтик воситалар орқали очиб берар экан, ушбу бадиий тасвирлар аср ғояини очишга, ундаги бадиий мантиқни ривожлантиришга, асарнинг таъсирчанлигини оширишга йўналтирилади. Бу борада ёзувчи руҳий таҳлилнинг поэтик воситаси сифатида туш эпизодидан усталик билан фойдаланади. Ушбу асар мисолида психологик портрет ва ички монолог Пиримқул Қодиров талқинида бир пайтнинг ўзида бир нечта поэтик вазифани бажариши билан бадиий мукаммалик касб этади.

REFERENCES

1. Пиримқул Қодиров, "Ҳумоюн ва Акбар". - Т.: "Шарқ", 1997.
2. Белинский В.Г. Танланган асарлар. -Т.: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1955.
3. Умуров Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги замон ўзбек романчилиги. – Т.: "Фан", 1983.

4. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2004.
5. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: “Шарқ”. 2007.
6. Бочаров С.Г. Л.Н.Толстой и новое понимание человека // Литература и новый человек. – М.: 1963. – С. 17;
7. Mengliev B., Karimov R. Theoretical fundamentals of uzbek-english parallel corpus \\ JOURNAL OF CRITICAL REVIEWS ISSN- 2394-5125 VOL 7, ISSUE 17, 2020.
8. Mengliev B., Sobirova Z. Some issues related to the transfer of english tourism terms in uzbek language \\ JOURNAL OF CRITICAL REVIEWS. ISSN- 2394-5125 VOL 7, ISSUE 15, 2020 \\ http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.14.194.
9. Khamroeva Sh.M., Mengliev B. R. The authorship lexicography and authorship corpus // Материалы международной научной конференции межнаучная интеграция: лингводидактический, лингвокультуроло-гический и психолингвистический аспекты 19-20 декабря 2019 год. Sumqayıt – 2019. – С. 105-107
10. Akhmedova Dildora Bahodirovna, Bakhtiyor Mengliev. Semantic Tag Categories in Corpus Linguistics: Experience and Examination International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8, Issue-3S, October 2019. – P. 208-212 (DOI: 10.35940/ijrte.C1048.1083S19)
11. Bakhtiyor Rajabovich Mengliev, Nigmatova Lolakhon Hamidovna. Problems of language, culture and spirituality in general explanatory dictionaries of Uzbek language / Inernational Journal of Psychosocial Rehabilitation. ISSN: 1475-7192.
12. Khodjamkulov, U., Botirova, Sh., Shofkorov, A., & Abdirimova, I. (2020). Bases of Organizing Cooperation between Educational Institutions through Clusters (on the Example of the Education System of Uzbekistan). Journal of Critical Reviews, 7(12), 243-247. https://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.12.47
13. Mardonov, Sh., Khodjamkulov, U., Botirova, Sh., & Shermatova, U. (2020). The Need to Educate Young People with the Spirit of Patriotism in the Context of Globalization. Journal of Critical Reviews, 7(12), 166-169.
http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.12.29
14. Mukhamedov, G. I., Khodjamkulov, U. N., Shofkorov, A. M., & Makhmudov, K. S. (2020). Pedagogical education cluster: content and form. ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81), 252.
https://dx.doi.org/10.15863/TAS.202Q.01.81.46
15. Khodjamkulov, U., Makhmudov, K., & Shofkorov, A. (2020). The Issue of Spiritual and Patriotic Education of Young Generation in the Scientific, Political and

Literary Heritage of Central Asian Thinkers. International Journal Of Psychosocial Rehabilitation, 24(05), 6694-6701. https://doi.org/10.37200/IJPR/V24I5/PR2020657
16. Қўшжонов М. Ўзбек романчилигининг ривожланиш босқичлари ва жанр хусусиятлари // Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 299-382;
17. Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. – Тошкент: «Ёш гвардия», 1983;
18. Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: «Фан», 1969;
19. Норматов У. Насримиз тамойиллари. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат», 1978;
20. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: «Маънавият», 2000;
21. Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. – Тошкент: «Фан», 1977;
22. Мирзаев И. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услубий ранг-баранглиги. – Тошкент: «Фан», 1983.